



19 МАЙ — БУТУНЖАХОН УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИ КУНИ

2011 йил — Бутунжаҳон Оилавий Шифокорлари Ташкилоти "W ONCA" томонидан бир овоздан Бутунжаҳон умумий амалиёт шифокорлари куни деб эълон қилинган. Бутун жаҳон умумий амалиёт шифокорлари куни оилавий шифокорлар фаолияти муҳимлигини яна бир бор таъкидлаб, уларнинг касбига бўлган иштиёқини оширади.

Ҳар бир давлат соғлиқни сақлаш тизимининг асосий мақсади аҳолига хавфсиз, самарали, сифатли, ўз вақтида ва адекват тиббий хизмат кўрсатишдир. Бу мақсадга эришиш учун бирламчи тиббий ёрдам хизматини ошириш, айнан оилавий тиббиёт соҳасида бирламчи тиббий ёрдам тизими асосий ўринни эгаллайди.

Умумий амалиёт шифокорлари аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлувчи ягона мутахассис ҳисобланади. Бу мутахассис оиланинг ҳар бир аъзосига, ёши, жинси ва касаллик клиник белгиларидан қатъи назар беморнинг шахсий, маданий, ижтимоий, психологик

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатади. Оилавий шифокор оиланинг ҳар бир аъзоси учун режали профилактик текширувларни ташкиллаштириш ва уларга 24 соат давомида мурожаат қилиш мумкин. Керак бўлса умумий амалиёт шифокори психолог сифатида ёрдам кўрсатади.

Бирламчи тиббий санитария ёрдами ривожлантириш ва мукамаллаштириш ислохотларнинг устувор йўналиши қилиб танланган ҳамда унда УМУМИЙ АМАЛИЁТ ВРАЧИ тизимини жорий этиш ва кучайтиришга алоҳида эътибор берилган.

Бутунжаҳон умумий амалиёт шифокорлари байрамини нишонлаш арафасида Тошкент Тиббиёт академияси УАШ ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси мудири Европа кардиологлар жамияти аъзоси, Россия федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби, Бутунжаҳон Юрак федерацияси аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, Россия фанлар академияси академиги Рафаэль Гегамович Оганов тақлиф этилди. Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей залида Кардиологиянинг актуал муаммоларидан бири бўлган юрак қон-томир касалликлари профилактикасига бағишланган

“Профилактик кардиологиянинг ютуқлари, эришилмаган орзулар ва парадокслар” мавзусида Даволаш факультетининг 100 дан ортиқ 6-7-курс талабаларига маъруза ўтказилди.

Маърузада юрак қон-томир касалликлари хавф омиллари, касалликларни эрта аниқлаш, замонавий даволаш усуллари, далилларга асосланган тиббиёт бўйича клиник тавсиялар, бундай беморларни ҚВПда олиб бориш тамойиллари, профилактика ва реабилитация масалаларидаги замонавий қарашлар кўриб чиқилди. Давра суҳбати сўнгги талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олдилар.

Н. НУРИЛЛАЕВА,
УАШ ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси мудири доцент,
З. ШОАЛИМОВА,
т.ф.н. ассистент

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Доцент

Тиббий педагогика факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш ва 2-сон УАШ қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув курси” кафедраси

Катта ўқитувчилар

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Умумий ва радиацион гигиена” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Анатомия ва ОЖТА” ка-

федраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш ва 2-сон УАШ қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув курси” кафедраси

Ассистентлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Психиатрия ва наркология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш ва 2-сон УАШ қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ўқув курси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожаррохлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ педиатрия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ жаррохлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ акушерлик гинекология” кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi

Topshirish vaqti: 14.00



“БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ”

Тошкент Тиббиёт академиясида “Спорт байрами”

Маълумки, инсон соғлом фикрлаши, жисмонан тетик ва турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш иммунитетни кучли бўлиши учун аввало соғлом турмуш тарзига риоя этиши ва соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси бўлиши лозим.

Тошкент Тиббиёт академиясида жорий йилнинг 28 апрель куни “Шифокор” спорт мажмуасида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида анъанавий “Спорт байрами” бўлиб ўтди. Байрам бошланишидан олдин ТТА маданият уйи ходимлари иштирокида бадий чиқишлар, куй-кўшиқлар янгради.

Қарияларни эъозлаш йилига бағишлаб ўтказилаётган ушбу спорт байрамини Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.И.Каримов табрик сўзи билан очиб берди.

Шунингдек, спорт байрамига ташриф буюрган меҳмонлар — Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худоевров, Ёшлик шаҳарчаси ҳокими Қ.Шонозаровлар сўзга чиқиб академия жамоасини байрам билан табриклади, Тошкент Тиббиёт академиясида олиб борилаётган ушбу хайрли иш — профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талаба-ёшлар орасида ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида анъана тусига кириб бораётганлиги ҳақида сўзладилар. Бундай ишларни янада кучайтириш ва Республика миқёсида янада кенгроқ амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Меҳмонлар табригидан сўнг Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янгради.

(Давоми 2-бетда.)

2015 йил — Кексаларни эъозлаш йили

ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Бу дунёда инсондан қилган яхшиликларини эъқан дарахтлари, вояга етказган фарзандлари-ю тарбиялаган шоғирдларни қолади. Инсон дунёга келиб, умргузаронлик қилади, ўсади, улғаяди. Кечаги гўдак, бугун йигит. Вақт ўтиши билан ёшлик ҳам тарк этади бизни. Зеро, бу ҳаёт қонунидир. Бу ҳақда Расулulloҳ алайҳиссалом муборак ҳадиси шарифларида шундай деганлар: “Одамларнинг яхшиси узоқ умр кўриб, шу умрини яхши амал билан ўтказганидир”.

Мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилиб, хайрли ишларни амалга ошириш яхши анъанага айланди. Хусусан, бу йил давлатимиз раҳбари томонидан “Кексаларни эъозлаш йили” деб эълон қилиниши барчамизнинг кайфиятимизни кўтариб, дилимиздаги ниятимизнинг ифодаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Боиси қадимдан миллатимиз кексаларни эъозлаб келган.

Кексалик инсон умрининг сокин давридир. Чунки одам кексайганида катта ҳаётий тажрибага, теран ақлга эга бўлади. Шундай пайтда, уларнинг кўмаги ва маслаҳатига ёшлар эҳтиёж сезадилар. Агар ёшларимиз меҳнатсевар, ҳалол, диёнатли, эл учун фидойи бўлиб тарбия топишни истасалар, кекса авлод вакилларининг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланишлари лозим.

Инсон ҳаётини мевали дарахтга қиёслашди. Кексалик эса, худди мевалари етилган мўъжизавий боққа ўхшайди. Луқмони Ҳакимдан: “Нега ҳадеб ўғлингизга насиҳат қилаверасиз?” деб сўрадилар. “Кексаларнинг насиҳати ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбия қилиши кабилар”, деб жавоб берди. Фарзандлар учун ота-онасининг панд-насиҳатларига риоя этиш фарз ҳисобланади. Ҳадисда айтиладики: “Отага итоат этиш Аллоҳга итоат этишдир. Унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир”.

(Давоми 5-бетда.)



Касбини эъозлаган муродига етади.





“БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ”

Тадбирни олиб бораётган суҳандонлар ўзбек ва инглиз тилларида спорт байрами иштирокчиларининг тантанали парад-намоиши бошланганини эълон қилдилар. Намойишда жами 1500 дан ортиқ иштирокчилар — даволаш, тиббий педагогика, олий маълумотли ҳамшира, тиббий профилактика, ҳарбий тиббиёт факультетлари ходим ва талабалари, академиянинг фахрийлар жамоаси, “Камолот” ЁИХ фаоллари, ТТА қошидаги академик лицей ўқувчилари, 1,2,3 клиник шифохона ходимлари, ТТА га бириктирилган Олмазор, Чилонзор, Боровский номли ҳамда Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчилари жами—14 та жамоа катнашди. Намойишни Тиббиёт академиясида узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган фахрийлар жамоаси бошлаб берди. Ҳар бир жамоа трибунадан ўтар экан уларнинг қўлларида турли транспарантлар ҳамда спортни тарғиб этувчи кўргазмалар расмлар, факультет ва жамоалар ҳаёти акс эттирилган баннерлар билан саф тортиб ўтдилар. Тўрт мингга яқин томошабинлар намоиш иштирокчиларини баланд овозлар

ҳамда қарсақлар билан олқишлаб турдилар. Намойиш тугагандан сўнг оилавий эстафетали югуриш, талабалар эстафетаси, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар эстафеталари бошланиб кетди. Айниқса шейпинг гуруҳларининг чиқишлари байрамга ўзгача шуқуқ берди. Спорт байрами сўнгида ғолиблар эълон қилинди ва ҳар бир йўналиш бўйича шарафли ўринларни эгаллаган жамоалар шохсупага кўтарилди. Ғолибларга ректор, проректор ҳамда меҳмонлар томонидан спорт турларида беллашган жамоаларга академиянинг диплом, медаль ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Қуйида номлари келтирилган жамоалар турли йўналишлар бўйича олган натижаларини эслатиб ўтамыз:

Оилавий эстафетали югуриш натижалари:
I — ўрин — I клиника ходими Нуровлар оилавий жамоаси

II — ўрин — Тиббий педагогика факультети ходими Рустамовлар оилавий жамоаси

III — ўрин — III клиника ходими Пардаевлар оилавий жамоасига насиб этди.

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар югуриш эстафетаси бўйича олинган

натижалар:

I — ўрин — III клиника жамоаси

II — ўрин — I клиника жамоаси

III — ўрин — II клиника жамоаси

Талабалар эстафетаси натижалари:

I — ўрин — Тиббий педагогика факультети жамоаси

II — ўрин — Олий маълумотли ҳамшира факультети жамоаси

III — ўрин — ТТА қошидаги академик лицей жамоаси қўлга киритишди.

Шунингдек тадбирга ҳам маданий ҳам жисмоний беллашув руҳини бахш этган шейпинг чиқишлари бўйича қуйидаги номинациялар белгиланди:

— Тиббий профилактика факультети — **“Ғолибликка интилган жамоа”**

— Олий маълумотли ҳамшира факультети — **“Асл шейпингчилар”**

— I клиника жамоаси — **“Шейпинг малаикалари”**

— II клиника жамоаси — **“Сарвиқомат гўзаллар”**

— Тиббий педагогика факультети — **“Ғолибликка лойиқ жамоа”**

Л.К.АБДУКАДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент Тиббиёт академиясида “Паркинсонизм ва ҳаракат бузилишлари” мавзусида Халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов тадбирни кириш сўзи билан очиб берар экан, невролог шифокорларнинг билим ва савиясини янада такомиллаштиришда чет мамлакатлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади. Анжуманда, жаҳоннинг машҳур олимлари, чет эл тиббиёт университетлари профессор-

лари ўзларининг билим ва малакалари билан ҳаракат бузилишлари билан кечувчи касалликлар клиникаси, патогенези, диагностикаси ва даволаш стандартлари ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбирда мамлакатимиз невропатолог шифокорлари, магистрлар, ёш мутахассислар ҳамда талабаларнинг билим савиясини ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш, замонавий даволаш ва диагностика усулларини кундалик шифокорлик амалиётига татбиқ этиш шу билан бирга шифокор-неврологлар орасида ўзаро билим ва



тажрибаларни ўрганиш мавзуларида Тошкент Тиббиёт академияси «Асаб касалликлари» кафедра мудири, профессор Г. Раҳимбаева чиқиш қилди.

Икки кун давом этган анжуманда дунёнинг тан олинган неврологлари томонидан асаб тизимининг демиелинизацияланувчи

ва дегенератив касалликларида топик ва клиник диагнози қўйишда текширув усулларини намоиш қилиш борасида ташкил этилган мастер-класслар муҳим аҳамият касб этди.

Г. РАҲИМБАЕВА,
ТТА «Асаб касалликлари» кафедра мудири, профессор



ТИББИЁТ РАМЗИ ЁХУД ҚАДАҲГА ЧИРМАШГАН ИЛОН...





Илоннинг саломатлик рамзи сифатида танланиши қайси даврлардан бошланган? Манбаларда келтирилишича у қадимги ривоят билан боғлиқ эмиш. Ногоҳ илонга кўзимиз тушса кўрққанимиздан бармоқларимизнинг учигача музлаб кетади, аниқланишича илоннинг қобилияти кўпгина ҳайвонларникидан 15-20 маротаба кучли экан. У тез тилини чиқариб туриши орқали ҳавонинг қанчалик илиқ совуқлигини, шамолнинг йўналишини, атрофда хавф-хатар бор ёки йўқлигини, ҳатто узоқдан бирор ўлжанинг борлигини ҳам тили орқали илғаб оларкан, шунинг учун ҳам қадимгилар табибнинг ақл-идроки илонникидек бўлсин дейишган. Илон матреархат давридан бошлаб илоҳийлик, донишмандлик, барҳаётлик рамзи саналган. Бир ривоятга қараганда, илоннинг юраги ва захрини ичган одам ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликларнинг тилини билгувчи одамга айланган экан.

Ривоят қилишларича Крит оролининг подшоҳи Минос хасталикни енголмай кўз юмган ўғлини тирилтиришни сўраб афсонавий табобат худоси Асклепийни саройга чақиртиради. Асклепий бу қийин муаммони ҳал этиш ҳақида ўйлаб саҳрода кетаётса қандайдир гиёҳни тишлаб олган илон унинг ҳассасига чирмашиб олади ва боши билан ишора қилгандек бўлади. Ҳамма гап мана шу гиёҳда эканини фаҳмлаган Асклепий ҳассасига чирмашиб олган илон билан саройга боради. Саройдагилар илонни кўриб кўрқиб кетишади. Асклепий подшоҳга воқеани тушунтириб беради ва илоннинг шу гиёҳга қараб ишора қилишида қандайдир сир борлигини айтади. Сўнг гиёҳдан қайнатма тайёрлаб боланинг оғзига томизади. Шундан сўнг унда ҳаёт нишонлари сезила бошлайди. Қайнатмадан 3-4 маротаба томизганларидан кейин, бола кўзини очди, бу воқеа одамлар ўртасида яхшигина шовшувга сабаб бўлади. Шундан сўнг Асклепий ҳалиги гиёҳ ёрдамида оғир хасталикка дучор бўлганларни даволаб табобат худоси сифатида донг таратади.

Йиллар ўтиб, суяниб турган ҳассасига илон чирмашиб олган бақувват чол тасвири пайдо бўлади. У Асклепий эди. Ўрта асрлар охирида эса Асклепий сурати ташлаб қолдирилиб, ҳасса билан илон тасвирланадиган бўлади. Орадан анча вақт ўтиб ҳасса ўрнини қадаҳсимон идиш эгаллайди. Бу янги тасвирга Асклепийнинг қизи Хигиеянинг боғлиқ томони бор. Қадимги Юнон афсоналарида тасвирий санъат асарларида Хигиея илон чирмашиб олган қадаҳни қўлида ушлаб олган гўзал қиз сифатида тасвирланади. Хигиея саломатлик худоси сифатида майдонга чиққан. Дарвоқе ҳозирги “гиғиена” сўзи аслида Хигиея номидан келиб чиққан деган тахминлар ҳам бор. Кейинроқ тасвирдаги қиз олиниб, қадаҳ билан илоннинг ўзи қолган.

Илон табиатдаги шифобахш гиёҳлардан зарур пайтда фойдаланишни ҳам билади. Бу ҳақда халқ орасида кўпгина воқеалар ҳам бор. Масалан бир киши нуқул табибликни илондан ўрганганман дер экан. Ундан нима учун бундай деяпсиз деб сўрашса у ўзи гувоҳ бўлган бир ҳодисани сўзлаб берган. Далада кетаётганим бундай қарасам илон билан чаён олишмоқда, чаён чаққонлик қилиб илоннинг устига ўрмалаб чиқди ва бош тарафининг 2-3 жойига захар солди. Илоннинг шу дақиқадаёқ гавдаси шишиб кетди, у бир оз гангиб қолди. Сўнг тезда ўзига келиб шошганича сой томонга ўрмалаб кетди. Орқасидан эргашдим. Қарасам қандайдир бир ўтти топиб чайнай бошлади. Шундан сўнг унинг гавдасидаги шиш йўқолди ва у ўз ҳолатига қайтди. Илон кўздан йўқолган, мен қизиқиб ўша гиёҳни ердан олиб қарасам, бу эрмон экан. Дарҳақиқат Ибн Синонинг Тиб қонунларида эрмон оғриқ қолдирувчи, яллиғланишни йўқотадиган хусусияти алоҳида ёзилган. Демак илон ўзига нима шифо эканини тўғри сеза билган. Шунинг учун илон табобат рамзи сифатида қабул қилинган бўлса ажаб эмас.

Соҳибжон ҒОЛИБОВ,
Ҳилола МУЛЛАЖОНОВА,
олий маълумотли ҳамшира факультети 1-курс талабалари



ЎЗБЕКИСТОН

Дўстлар обод замонда,
Жаннатмакон диёрда.
Яшамоққа не етсин,
Гўзал Ўзбекистонда.

Ҳар томон бўлиб бўстон,
Ҳар қаричинг гулистон.
Қалбимда фақат ўзинг,
Она юрт Ўзбекистон!

Тоғларингда виқор бор,
Тупроғингда сеҳр бор.
Чўпни суқсанг унади,
Борму айт сендай диёр?

Оллоҳга минг бор шукр,
Сенда яшамоқ ҳузр.
Биз учун сен, бир омад,
Яшна доим бир умр.

Ўзингсан менинг бахтим,
Она юрт гўзал шахрим.
Сени жондай севаман,
Ўзбекистон! Сен фахрим.

Давронбек УРУНОВ
ДАВЛАТАЛИ ўғли,

Тошкент Тиббиёт академияси даво-
лаш факультети, 207-гуруҳ талабаси

ҲАМШИРА

Жажжи, ҳамшира қизим,
Меҳрибоним, қундузим.
Жонимга оро кириб,
Дардим аритган ўзинг.

Кичкина қизалоқнинг,
Кўринмайди меҳнати.
Жасоратга тенг иши,
Жўшиб қолса ғайрати.

Баъзан улуғ жарроҳдан,
Юқори турар иши.
Вақтидаги давондан,
Енгил тортади киши.

Азизларим баралла,
Айтадиган гапим бор:
Ҳамширалар бўлмаса,
Барча даволар бекор.

Шухратилла САЛОМУЛЛАЕВ

Иқтидорли талаба-ёшлар ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНING ФАХРИ

Тошкент Тиббиёт академиясида иқтидорли, илмга чанқоқ, аъло баҳоларга ўқийдиган, ўзининг хулқи, одоби билан профессор-ўқитувчилар, курсдошлар орасида ҳурматга сазовор талаба-ёшларимиз кўп.

Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

И.А.КАРИМОВ

Иқтидорли талабаларимиздан бири Даволаш факультетининг 3-курс талабаси Саатова Умида Миржалоловнадир. У ўз олдига жуда кўп мақсадлар қўйган. Келажақда халқимизга хизмат қилиб, беморларни даволаш мақсадида шифокорлик касбини танлади.

Умидли гуруҳ сардори, жамоат ишларида фаол иштирок этади. Заковат танловларида, байрамлардаги тадбирларда етакчилик қилади. У академияда одоби ва хулқи билан курсдошлари ўртасида алоҳида ажралиб туради. Жумладан, “Ёш олимлар” номли конференция, “Талабалар баҳори — 2013” фестивали иштирокчиси, “Келажак овози” кўрик-танлови шахар босқичи ғолиби бўлган. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мега лойиҳаси “Юрт келажиги”, кўрик-танловининг “Рационализаторлик таклифлари” йўналиши бўйича ўзининг ихтироси билан иштирок этди. Унинг лойиҳаси “Меъда — ичак касалликлари экспресс диагностикаси ва унинг техник ишланмасини яратиш” деб номланади. Унинг бу ихтироси янги усул билан ташхис қўйиш ҳисобланиб, унга тиббиёт ходимлари томонидан катта қизиқиш билдирилди. Шу лойиҳа билан “Юрт келажиги” кўрик-танловида Республика босқичи ғолиби бўлди ва диплом билан тақдирланди. Ушбу илмий иши бўйича 2013 йил “Ёш олимлар кунлари илмий-амалий конференция материаллари”да 2 та мақола чоп қилинди. Бундан ташқари 3 та тезис чоп эттирган, 3 та мақоласи илмий журналларга топширилган. Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ушбу услуб бўйича унга рационализаторлик гувоҳномаси берилди.

Саатова Умида Патологик физиология фанини қизиқиш билан ўрганди. Ушбу фан бўйича Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилган олимпиадада 1-босқич ғолиби бўлди. Сўнгра 2015 йил 12 майда Андижон шаҳрида Андижон Давлат Тиббиёт институтида ўтказилган Патфизиология фанидан Республика фан босқичи олимпиадасида фахрли 2-ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланди.

Юқори чўққиларга, улуғ мақсадларга эришиш учун тинмай изланиш, ўқиш керак, биз мустақил диёримиз ёшлари орасида шундай салоҳият ва иқтидорлар борлигига, улар орасидан юртимизга, халқимизга инсонлар саломатлиги учун ўз билимларини фидо қилиб, камтарин, олижаноб шифокор, профессор-академиклар бўлиб етишишига ишонамиз ва улкан ютуқлар тилаймиз.

Тошкент Тиббиёт академияси иқтидорли талаба ва ёш олимлар билан фахрланади. Умидага ҳам келажакда машаққатли лекин олижаноб касб эгаси бўлишида ўқишларига улкан ютуқлар, зафарлар тилаб қоламиз.

Қ. НИЗОМОВ,
«Тиббиётнома» махсус муҳбири

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ДОЛЗАРБ МАЪРУЗАЛАР ТИНГЛАНДИ

**Яқинда Халқаро бизнес марказида
«Ўзбекистон оториноларингологларининг
IV анжумани бўлиб ўтди.**

Унда, республикамиз ва хориж давлатлари Австрия, Германия, Дания, Ҳиндистон, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Литва, Россия, Озарбайжон, Туркменистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган тўрт юзга яқин мутахассислар иштирок этди. Анжуманда оториноларинголог соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш, лор касалликларининг янгича инновацион диагностикаси ва даволаш усуллари, тезкорлик ва сифат даражаси, шифокорнинг билим ва малакасини ошириш масалалари юзасидан қизиқарли ва долзарб маърузалар тингланди.

Айниқса, “Юқори нафас йўллари ва қулоқ касалликларини консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий ютуқлари”, “Қулоқ ва мувозанат аъзоси касалликларида беморларни диагностикаси ва реабилитациясида инновацион технологиялар”, “Оториноларингологияда даволашнинг фармалогик ва физик усуллари”, “Оториноларингологияда стандартизация” каби маърузалар йиғилганларнинг эътирофига ва мулоҳазали фикрларига сазовор бўлди.

Анжуман доирасида чет элдан ташриб буюрган 50 нафар етук олимлар ҳамда, Тошкент Тиббиёт академияси ва унга қарашли бўлган клиникаларда фаолият юритаётган етакчи олимларимиз иштироки ва ҳамкорлигида оториноларингологиянинг турли йўналишлари аудиология, отохирургия, ринохирургия, фонохирургия соҳаларида мастер-класслар ўтказилди.

Анжуман сўнгида келажакдаги мақсадли ҳамкорликлар, малака ва инновацион технологиялар алмашиш, шунингдек малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш борасида қизғин фикрлар билдирилди.

Ш. ХОДЖАНОВ,
ТТА лор касалликлари кафедраси
доценти

Тошкент Тиббиёт академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарорининг бажарилиши режали олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ҳар ойида клиник фанлараро интеграцион тиббиётнинг долзарб мавзуларига бағишланган маъруза-

сор З.А.Нурузова туберкулёз кўзгатувчиси, яъни кох бацилласи тўғрисида умумий тушунча ҳамда лаборатор диагностикаси ҳақида, фтизиатрия кафедраси мудири, т.ф.д. Н.Н.Паргшева, ўпка ва ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзининг патогенези, клиникаси ҳақида, профессор М.Х.Ходжибеков туберкулёзни аниқлашда нур ташхисининг аҳамияти ҳақида,

«ТУБЕРКУЛЁЗ ГЛОБАЛ МУАММО» МАВЗУСИДАГИ ИНТЕГРАЦИОН МАЪРУЗА





ларнинг инглиз тилида олиб борилаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Навбатдаги маъруза ҳам ҳозирги кундаги дунё бўйича глобал муаммолардан саналган туберкулёз касаллига бағишланди. Маърузада республиканинг соҳа бўйича етакчи мутахассислари: фтизиатрия кафедраси мудири М.Н.Парпиева, микробиология кафедраси мудири З.А.Нурузова, онкология ва нур ташхиси кафедраси профессори М.Х.Ходжибеков ва фтизиатрия кафедраси доценти К.С.Мухамедов, шунингдек фтизиатрия кафедрасининг ёш мутахассиси ассистент Х.А.Сафаевлар инглиз тилида муаммоли маърузалар ўқидилар.

Маърузда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги бош вакили Асмус Хаммериксининг қатнашиши маърузанинг янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. А.Хаммерикс туберкулёз касаллигининг жаҳон миқёсидаги эпидемиологик ҳолати, глобал долзарб муаммо эканлиги ҳақида батафсил ёритиб берди. Микробиология кафедраси мудири, профес-

сор К.С.Мухамедов касалликни даволашнинг замонавий усуллари, стандарт даволаш тамойиллари ва жарроҳлик даволаш усуллари ҳақида, ассистент Х.А.Сафаев туберкулёз профилактика усуллари ҳақида батафсил маъруза қилдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, муаммоли маъруза ўзига хос ташкил этилган бўлиб, информатив ва кўргазмали материаллар билан бойитилди. Анжуманлар залининг кириш йўлакчаларидаги инглиз тилидаги баннерлар қатнашувчилар эътиборини жалб қилди. Маърузанинг охири тингловчилар билан интерактив усулда олиб борилиб, вазиятли масалалар берилди, баҳс-мунозаралардан сўнг ғолиблар аниқланиб, совғалар билан тақдирланди. Хулоса қилиб айтганда, бу каби интеграцион муаммоли маърузалар нафақат қизиқарли ўтмоқда, балки аудиториянинг кенгайиши, маърузага қизиқаётган ёш мутахассислар, магистрлар ва талабалар сони ҳам ортиб бормоқда.

Ш.Ш.МАССАВИРОВ,
Фтизиатрия кафедраси
катта ўқитувчиси





Жасорат, бурч, матонат

Аждодларни хотирлаш ва кексаларни эъзозлаш, улуғ қадрият ҳисобланиб, бу борада мамлакатимизда жорий йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши ёши улуғ, нурунийларга бўлган ҳурмат эътиборнинг юксаклиги наъмунасиридир. 9 май юртимизда кенг миқёсда “Хотира ва қадрлаш куни” катта тантаналар билан нишонланиб 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фронтида тинчлик учун курашиб ҳалок бўлган жасур ва матонатли ўғлонлар хотираси ёд этилади ҳамда уруш ва меҳнат фронтида жасорат кўрсатган нурунийларимиз эъзозланиши халқимизга хос қадриятлар кўзгуси саналади.

Нурунийларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш Тошкент Тиббиёт академияси анъаналарига айланган. “Хотира ва қадрлаш куни”ни муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида жорий йилнинг 7 май куни Тошкент Тиббиёт академияси II клиника “Хотира боғи”да байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирга 1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, нурунийлар, Афғон уруши қатнашчилари таклиф этилди. Тадбирни Тиббиёт академияси ректори Ш.И.Каримов очиб берди ва йиғилган фахрийларга ўз миннатдорчилигини билдириб ўтдилар. Тадбир давомида Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, нурунийлар, Афғон уруши қатнашчиларига байрам дастури тақдим этилди.

Юртимизнинг бугунги тинч-осойишта ҳаёти учун жасорат кўрсатиб фидо бўлган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш энг олий вазифамиздир. Зеро, “Инсон азиз, хотира — муқаддас”.



КЕКСАЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК!

2015 — йил — “Қарияларни эъзозлаш йили” муносабати билан қабул қилинган Давлат Дастури тиббиёт ходимлари олдига ҳам бир қатор вазифаларни бажаришни мақсад қилиб кўйди. Шу муносабат билан 21-22 апрелда Ўзбекистон Республикаси ССВ га қарашли 1-Республика клиник касалхонасида Тошкент Тиббиёт академияси тиббий педагогика факультетининг факультет ва госпитал терапия кафедраси, ТТА ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази, 1-РКК ва Боровский номидаги тиббиёт коллежлари ҳамкорлигида 2015 йил — “Қарияларни эъзозлаш йили”га бағишланган “Ички касалликларнинг қарияларда кечиши ва даволаш хусусиятлари” “мавзусида илмий- амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда ТТА профессор ўқитувчилари, малака ошириш маркази тингловчилари “терапия”, “кардиология” йўналишлари магистрлари ва ТТА юқори курс талабалари ва 1-РКК шифокорлари қатнашишди. Семинарда “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида геронтология ва гериатрия соҳасидаги сиёсий интилиш” — ТТА профессори Н. Насриддинова, “Қарияларда юрак ишемик касаллигининг ўзига хос кечиши” — ТТА доценти Х. Маматқулов, “Сурункали буйрак касаллиги. Ташхислаш, тасниф ва даволаш” — ТТА доценти З. Умарова, “Кекса ёшдаги инсонларда сурункали юрак етишмовчилигининг кечиш хусусиятлари ва даволаш” — ТШ МОИ кардиология, геронтология

ва гериатрия курси кафедраси мудири, т.ф.д. Г. Тулебаева, “2-типли қандли диабетнинг кечиши ва даволаш хусусиятлари” — ТТА профессори Д.Нажмутдинова, “50 ёшдан ошган кекса ёшдаги касалларда режали гемодиализ даволашнинг ўзига хос хусусиятлари” 1- РКК гемодиализ лабораториянинг мудири В.И Костин, “Кекса ёшдаги инсонларда артериал гипертензиянинг ўзига хос кечиши ва уни даволаш усуллари” — ТТА доценти З.Ф.Умарова, “Қариялар саломатлигини сақлашда ҳамшира парваришининг аҳамияти”- Боровский коллежи кафедра мудири Ў. Мамадалиевалар ўзларининг қизиқарли ва қимматли маълумотларини ўзига жамлаган маърузалари билан чиқиш қилишди. Маърузаларнинг ҳар бирида кекса ёшдаги кишиларда ички касалликларнинг ёшга монанд турлича кечиши, ташхислаш ва даволашда ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирилди ва алоҳида касалликларнинг олдини олишда улар саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларига, ёндош касалликларга масъулият билан ёндошиш зарурлиги, улар парваришида эса ўзига хос ғамхўрлик билан қараш лозимлигига урғу берилди.

Бўлиб ўтган ушбу семинар ўзининг амалий жиҳатдан аҳамиятли эканлиги билан фойдали бўлди. Бу эътироф муҳокамада сўзга чиққан семинар қатнашчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларда ҳам ўз ифодасини топди.

Шоира ҚОДИРОВА,
Тиббий педагогика факультети
катта ўқитувчиси

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жуда кўп ёши ўтаётган кишиларда қариллик ёши яқинлашиши билан уларда саховатлик, ақли донолик, ёшларга нисбатан ғамхўрлик, ҳар бир вазиятчи масалага ижобий ёндошиш, маслаҳатгўйлик хусусиятлари юзага келади. Илмли ва ўқимишли кишиларда регрессия даражаси секин ва кўзга кўринмас даражада бўлиб, қонда бўйича бундай ҳолат юқори даражадаги ўқимишли кишиларда ёрқинроқ кўринишга эга. Халқимизда шундай доно бир мақол бор: «Илм билан машғул бўлган кишиларни қариллик четлаб ўтади».

Ҳа, ҳаётнинг ўзига хос аччиқ ва ширин томонлари бор. Кексалар эътиборга, меҳр-муруват ва шафқатга жуда муҳтож бўладилар. Киши етмишга етса, янада табарруқлашади. Бундай инсонларга кулоқ тутмоқ ва панду насиҳатларини олмоқ лозим. Оилани оёққа тургазан, ўғил-қизларни ўстириб, едириб-ичирган, оила, фарзандлар камолини деб елиб югурганлар ҳам шулар.

Кексаликнинг муайян мушкулотлари, мураккабликлари бор. Беморлик, кўз хираланиши, оёқ-бел оғриши, кучдан қолиш, аввалги завқ-шавқларнинг сусайиши, қадамнинг майда, йўллар эса

олис бўлиб қолиши... Ҳаётда, атрофимизда яхши кишилар борлигидан, улар билан ёнма-ён яшаётганимиздан қувонишимиз керак. Унутмайлик, иймон-эътиқодли



қариялар бўлмаган жойда яхши тарбияли ёшлар ҳам бўлмайди.

Ларошфуконинг фикрига кўра қаришни ҳам билиш керак ва бу йўналишда ҳар бир шифокорнинг вазифаси шундан иборат-ки, одамларда физиологик қариш ва кексайишнинг физиологик асосларини одамларга асталик билан ўқитириб, ўргатиб бориш ҳисобланади. Одамларни

кексайишга ўргатиш куйидаги элементларни ўз ичига олади:

— кексайиш — бу объектив жараён, бу жараёнда атроф-муҳит омилларига бўладиган талабларни қисқартириш лозим, жумладан, ўз фаолиятини бир оз бўлсада қисқартириш, кексайишни куч орқали секинлаштиришга уринмаслик кераклигини ҳар бир одам англаб етиши лозим

— кексайган чоғда ҳам соғлом ва фаол бўлиш учун юқори даражадаги интеллект, спорт машқлари билан шуғулланиш ёрдам беради

— руҳий кайфият, кексайиш учун руҳан тайёрланиш, бу жараёни оптимистик тарзда кутиб олишга шароит яратади

— жамоат ишида фаолият кўрсатганлардаги кексайиш жараёни, ёлғиз яшайдиганларда гига қараганда кечроқ рўёбга чиқади

— ҳар бир одам ўзини қарилқда белгиланадиган нафақага ўз вақтида чиқишга тайёрлаб бориши лозим

— янги қариллик турмуш тарзига мослашиш, илгариги касбдошлари билан алоқаларни узмаслик, моддий таъминланганликнинг аҳамияти жуда каттадир.

Н.О. АҲМАДАЛИЕВА,
Умумий ва радиацион гигиена
кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

“ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 мартдаги “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги Р-4437 сонли фармойишига асосан ва Тошкент Тиббиёт академияси 2015 йил 13 апрелдаги №111 сонли “Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамига тайёргарлик” кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги буйруғига асосан, тиббий профилактика факультетининг Умумий ва радиацион гигиена кафедрасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида байрам тадбири ўтказилди. Бунда кафедрада бир неча йиллар ишлаб ўзининг самарали меҳнатини сарфлаган кекса устозлар таклиф этилди. Тадбир дастури бир неча қисмдан иборат бўлди. Кафедрда маънавият ишлари бўйича масъул, ТТА хотин-қизлар қўмитаси раиси Л.Қ. Абдуқодирова тадбирни очиб, таклиф этилган меҳмонларни таништирдилар. Тадбирда кекса устозлар ҳаёт йўлларидаги эсда қолган воқеалар, хотиралар ҳақида сўзлаб бердилар. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Юксак чўққиларни эгаллаш учун нималарни билиш кераклиги, доимо ўқиш ва изланишда бўлиш кераклигини айтиб ўтдилар. Утган устозлар ёдга олинди, улар ҳақида яхши гаплар айтилди. Тадбирни тиббий профилактика факультети 1-курс талабалари Жўраев Шохруҳ ва Гулнозалар олиб бордилар, тадбир давомида

талабалар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар ҳамда устозлар ҳақида айтилган илиқ сўзлар, ўқилган шеърлар ташриф буюрган меҳмонлар қалбиди илиқлик уйғотди. Тадбир сўнггида кафедра мудири Ф.И. Саломова кафедра ходимлари номидан кекса устозларни байрам билан яна бир бор табриклаб, уларга тинчлик, соғлиқ-саломатлик тилади. Меҳнат фахрийларига гул ва эсдалик совғалари тақдим этди.

Тадбир якунида яна бир бор қариялар талабаларимизга бугунги тинч кунларнинг қадрига етишни, Юртбошимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланишни алоҳида таъкидлаб ўтишди. Дарҳақиқат, бугунги тадбир — фахрийларимиз кўрсатган жасорати ва матонати ёшларимизда юртни эъзозлаш, кексаларни қадрлаш зарурлигини янада теранроқ англашга ундайди, десак муболаға бўлмайди.

Барча фахрийларимизни ҳамда азиз юртдошларимизни Хотира ва қадрлаш куни билан табриклаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Л.Қ.АБДУҚОДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси,
М.Р.МИРСАГАТОВА,
Умумий ва радиацион гигиена кафедраси ассистенти

